ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2025 / № 3. 1-3

# FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
# TIL
# ADABIYOT
# TA'LIM



## Philological research:
## LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

## Филологические исследования:
## ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

# FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

# ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2025/ № 3. 1-3

Termiz – 2025

**Muassis:**
**Termiz davlat universiteti**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.09.2025
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

**Tahririyat manzili:**
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

**BOSH MUHARRIR:**
Abduqodir TOSHQULOV,
*iqtisod fanlari doktori, professor*

**TAHRIR HAY’ATI:**

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Baxtiyor Xolmuxamedov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Alibek Omonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

**Учредитель:**
**Термезский государственный университет**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.09.2025
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

**Адрес редакции:**
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР**:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бахтиёр Холмухамедов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Алибек Омонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

**Institutor:**
**Termez State University**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.09.2025
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

**EDITOR IN-CHIEF**:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

**EDITORIAL BOARD:**

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Kholmukhamedov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Alibek Omonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

# М У Н Д А Р И Ж А

## TILSHUNOSLIK


**XUDOYBERGANOVA DURDONA**
Metaforalar shakllanishida antropotsentrik omillarning o‘rni ..... 7

**ЛУТФУЛЛАЕВА ДУРДОНА**
Aksiolingvistikada qadriyat tushunchasi va uning turlari ..... 10

**SOBIROV ABDULHAY SHUKUROVICH**
Andijon dialektal zonasi haqida ..... 16

**HAKIMOV MUHAMMADXON XO‘JAXOVICH**
Genderoleksemalarning nominativ farqlanishi ..... 20

**QO‘ZIYEV UMIDJON YANDASHALIYEVICH**
Dunyo tilshunosligida o‘zlashma so‘zlarga munosabat masalasi ..... 25

**ДУСТМУРОДОВ МАЪРУФЖОН МАНСУР ЎҒЛИ**
Уйғур хоқонлиги даври ёдномалари туркумидан:
тариат (ТЭРХ) битиги ҳақида баъзи мулоҳазалар ..... 28

**UBAYDULLAYEV ALISHER ABDUSALOMOVICH**
Ogahiy tarjimasidagi «Guliston» qo‘lyozmasining lingvistik tahlili ..... 33

**XUJAMKULOVA MAXBUBA BOBONAZAROVNA**
Badiiy matnning presuppozitiv tahlili ..... 38

**XOLNAZAROV UMID ERKINOVICH**
Tog‘ay Murod nasriy nutqida metaforaning statistik tahlili ..... 42

**SHAYMARDANOVA AZIZA RAIMJANOVNA**
Lingvistik kodlar aralashuvi tushunchasi va uning
lakunarlik hodisasini bartaraf etishdagi imkoniyatlari ..... 48

**ESHNIYOZOVA GULHAYO HAMROQUL QIZI**
Halima Xudoyberdiyeva she’rlarida badiiy
san’atlarni qo‘llash mahorati ..... 51

**SULAYMONOV BOBIR**
Izoh tipidagi o‘quv lug‘atlarda leksikografik
semantizatsiyaga qo‘yiladigan talablar ..... 55

**BOYSARIYEVA SAODAT**
Morfem o‘quv lug‘atining amaliy jihatlari ..... 58

**DAVIDOV YUNUS JUMMAYEVICH**
Badiiy asarlarda ko‘pma’nolilikning uslubiy xususiyati ..... 61

**ZARIPOVA MATLUBA QULFITDINOVNA**
O‘zbek va rus tillarda tarjimaning lingvokulturologik
va peyorativlik muammolari ..... 64

**AZIZ AMINI**
Frazeologik birliklarning o‘rganilishi va ularning leksikografik
xususiyatlari (Afg‘oniston o‘zbek dehqonlari nutqi misolida) ..... 66

# МУНДАРИЖА

**ALLAMURATOVA XOSIYAT**
O‘zbek antroponimikasida apotropeik komponentlarning
sodda va qo‘shma ismlarda ifodalanishi ..... 69

**РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА**
Синонимические отношения в словах с
гендерными признаками узбекского языка ..... 73

**HATAMOV ZIYODIN MAMADULLAYEVICH**
Badiiy uslubda modal so‘zlarning funksional-stilistik xususiyatlari ..... 76

**ALIMOVA E’TIBOR KAROMAT QIZI**
O‘zbek xalq ertaklarida mifonim va teonimik birliklar ..... 81

**MUXAMMADALIYEVA SHAXZODA MAXMUD QIZI**
Maqollar orqali ramziy ma’noning ifodalanishi ..... 89

**ABRUYEVA ZAXRO SHOKIR QIZI**
O‘zbek tili murojaat shakllari tizimida kognitiv metaforaning o‘rni ..... 92

**XUDAYBERGANOVA MUNIRA**
«Muqaddimatu-l-adab» asari ustida olib borilgan ilmiy tadqiqotlar:
tilshunoslik va manbashunoslik yondashuvlari ..... 96

**ABDUQAHHOROVA XOSIYAT ABDURASUL QIZI**
Tarixga oid terminlarda o‘z va o‘zlashma qatlam ..... 100

**SHADMANOVA ALYONA SERGEYEVNA**
Paustovskiy hikoyalarida syujet poetikasi ..... 104

**QOSIMJONOVA FARANGIZ FARID QIZI**
Iboralarning so‘z turkumlariga munosabati ..... 108

## ADABIYOTSHUNOSLIK

**ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ**
Эътибордан четда қолган нашр ..... 111

**ШОФИЕВ ОБИДЖОН БАХТИЁРОВИЧ**
Психологик таҳлил ва бадиий драматизм
(Эркин Аъзамнинг «Таъзия» ва «Ступка» ҳикоялари мисолида) ..... 117

**АЛИМОВ ПАРДА, АВРИДДИНОВ ЖОБИР**
Бадиий характер муаммоси ..... 121

**YULDOSHEV DILMUROD**
Matyoqub Qo‘shjonov talqinida qodiriy fenomeni («O‘zbekning o‘zligi» asari misolida) ..... 123

**ДИЛФУЗА ПАРДАЕВА**
Художественные интерпретации образа Амира Нимура и его
времени в русской и узбекской поэзии XX века ..... 129

**BOLTAYEVA GULCHEHRA SHOKIROVNA**
Taxmislarning spetsifik belgilari ..... 132

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2025; 7-8
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

# ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН НАШР

**Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич,**
*Андижон давлат университети профессори*

«Ўткан кунлар»нинг 1958 йил нашрида матн «билармонлик билан таҳрир қилингани»дан норозиланган Хондамир Қодирий «Меҳробдан чаён»нинг 1959 йил нашрида бундай ҳолатлар кўрилмаслигини таъкидлаб, «китоб тилининг грамматик хусусиятлари бир қадар ўзгарганлигини ҳисобга олинмаса, аслият айнан сақлаб қолинган»ини эътироф этади. Шунингдек, Х.Қодирий иккала романнинг илк нашрларини «иккинчи нашрлари (1933, 1935) билан ҳам солиштириб кўрдим. Анчагина ўзгаришлар бор экан» деб ёзади[1]. Қавсдаги изоҳга кўра «Меҳробдан чаён»нинг иккинчи нашри сифатида 1935 йил нашри кўрсатилаётирки, бунинг янглиш эканини таъкидлаш лозим, зеро, роман 1933 йилда ҳам чоп қилинган. Яъни ҳақиқатда 1935 йил нашри – «Меҳробдан чаён»нинг учинчи нашри, сираси, айни сана китобнинг титулида аниқ-тиниқ қилиб қайд этилганки, бу ҳол ўзгача ҳисоб юритишга ўрин қолдирмайди ҳам. Шунга қарамай, Х.Қодирийнинг «иккинчи нашрлар» тўғрисидаги: «Анчагина ўзгаришлар бор экан. Ёзувчининг бу тузатиш-ўзгартишлари романларга яна ҳам гўзаллик, мукаммаллик берган»,- деган фикри «Ўткан кунлар»нинг 1933 йил, «Меҳробдан чаён»нинг эса 1935 йил нашрига тегишли бўлиб қолади, зотан, унинг ўзи қавс ичида шуни аниқ кўрсатиб қўйган. Нега «Меҳробдан чаён»нинг иккинчи нашри Х.Қодирийнинг эътиборидан четда қолгани бизга маълум эмас. Бироқ адиб ҳаётлигида нашр қилинган, табиийки, бу жараёнда муаллиф томонидан бир қур кўздан кечирилиб, зарур деб билинган жойларига таҳририй ўзгартиришлар киритилганининг ўзи матн сифатида унинг ниҳоятда муҳим манба эканига далолат қилади.

Модомики, 1933 йил нашри Х.Қодирий эътиборидан четда қолган экан, уни 1929 йил нашри билан бир қур қиёслаб кўриш мақсадга мувофиқ. Зеро, шу ҳолдагина унинг эътибордан четда қолиши асосли ё асоссиз экани ҳақида ўзимиз учун ишончли хулосага келишимиз мумкин. «Ўткан кунлар»ни 1926 йил нашри асосида қайта чоп эттирган Х.Қодирий ўқувчиларда пайдо бўлиши муқаррар бўлган: «Иккинчи қайта нашрини муаллиф ҳаётлик вақтида ўз қўлидан ўтказиб берган экан, 1992 йилдаги нашри нега ўша нашридан олинмади» деган саволни ўртага ташлайди. Мазкур саволга жавобида у энг аввал «30-йиллар ўзбек нашриёти, матбуоти тилида ва тилшунослик соҳасида» ҳукм сурган «бошбошдоқлик, бебошлик»ни сабаб қилиб кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, лотин ёзуви жорий этилган илк даврда матбуот ва китоблар имлоси ниҳоятда ачинарли аҳволда эди. Сабаби, аввало, ҳали бу ёзув кўникмаси ўқувчи оммада ҳам, нашриёт-матбаа ишчи-ходимларида ҳам етарли даражада шаклланган эмас. Иккинчидан, 1929 йилда жорий этилган лотин ёзуви фонетик принципга асосланган бўлиб, унинг бу сифати имлодаги турличаликни кучайтирувчи омиллардан бўлди. Ислоҳот амалга оширилиши билан араб ёзувидаги унлиларни ифодалаган учта ҳарф ўрнида энди тўққизта ҳарф пайдо бўлган; эски ёзувда икки-учта ҳарф билан ифодаланган товушлар энди биттага келтирилган, илгари битта ҳарф билан ифодаланган икки-учта товуш энди бошқа-бошқа ҳарф билан ифодаланадиган бўлган ва ҳ. Амалда эса нашриёт ва таҳририятларга қўлёзмаларнинг аксарияти араб ёзувида тақдим қилиниб, аксар муаллифлар эмас, нашриёт ва таҳририят ходимлари томонидан лотин ёзувига ўгирилган. Табиийки, юқорида мухтасар тавсифлаб ўтилган шароитда қўзлёзмаларнинг лотинга ўгирилиши ҳам, матбаада ҳарфларнинг терилиши ҳам турлича бўлиб чиқаверади. Яъни лотин ёзувига ўтишнинг илк йилларида чоп қилинган «Ўткан кунлар» (1933) ва «Меҳробдан чаён» (1933) романларининг имлосида «бошбошдоқлик, бебошлик» ҳукм суриши кучли объектив ва субъектив омиллар туфайли муқаррар эди, шундай бўлди ҳам.

Бунга амин бўлиш учун 1933 йил нашрининг дуч келган саҳифасини очиб, ундаги лотин ёзувига ўтиш билан боғлиқ юзага келган хатоларни санаб кўрамиз: чек 95-саҳифага тушди. Бугунги ўқувчи тили энг аввал «Шомдан бироз эртарак эди» жумласидаги «эртарак» сўзида қоқинса ке-

[1] Кодирий, Абдулла. Ўткан кунлар: роман. / Сузбоши муаллифи Иброҳим Гафуров. – Toshkent: Info Capital Group, 2017. – Б.394-396.

рак. Сўз «ertərək» шаклида ёзилган. Бир қарашда, «ertə» юмшоқ («ингичка») сўзига «-rək» юмшоқ қўшимчаси қўшилган ва бу, гарчи жонли тилдаги талаффузга тўғри келмаса-да, амалдаги имло қоидасига мувофиқ келади. Яъни ўқувчи бундай ҳолларда сўз талаффузини ёзувга мослаши – тилини зўрлаши керак бўлади. Ҳолбуки, «қалин-ингичка» ёзиш қоидасида айрим истиснолар ҳам бор. Жумладан, «тилимизнинг қалинлиқ, ингичкалигига бўйсунмайдирган сўзлар» бўлгани каби, айрим қўшимчалар ҳам бу қоидага бўйсунмаслиги мумкин. Агарки асосга фонетик принцип олинган экан, худди қўшма сўзларда бўлгани каби, бунда ҳам иккала компонент – ўзак ва қўшимчани икки хил (қалин+ингичка= «ertə+roq») ёзиш мумкин эдики, бу истисно ёзувни талаффузга кўпроқ мослаштирган бўлур эди. Зотан, бу истисно шу саҳифадаги «ətrafıdəgi» ва «rəjxanlarnьң» сўзларининг ёзилишида қўлланган. Яъни истиснони қўллашда изчиллик йўқлиги асосий принципнинг бузилишига олиб келган. Модомики имлода талаффуздаги товуш мослашуви кўзда тутилган экан, «қалинлик-ингичкалик» қаторида «жарангли-жарангсизлик» ҳам назарда тутилгани тўғри бўлади. Чунки ушбу сифатнинг талаффузга таъсири шубҳасиздир. Масалан, «erinib-kinə» сўзи талаффузида «в» ундошининг жарангсизланиши «-кина» қўшимчасини тақозо этиши тўғри. Бироқ ёзувда жарангсизланишш акс этмаётган экан, қўшимча ҳам «-гина» шаклида берилса тўғри бўлади. Ёки «dьmaqqa» сўзидаги «қ» жарангсиз ундоши таъсирида «ғ» жарангсизланиб, иккиланган «қ» талаффуз этиладики, фоетик принципга кўра «dьmaqqa» ёзилиши керак. Дарвоқе, шунга қадар тўхталган сўзларнинг ҳаммаси 1929 йил нашридагига деярли ҳарфма-ҳарф тўғри келади: худди янги имло қоидаларини пухта ўрганиб олган-у жонли тилни билишида камчиликлари бисёр одам томонидан транслитерация қилинаётган каби. Яъники араб ёзувида «эртароқ» сўзининг илк бўғинидаги «э» ингичка экани шубҳасиз бўлганлигидан иккинчи бўғиндаги «а» ҳам шунга мос ингичка ўқилган-да, қалин «-роқ» ингичка «-рак»га алмаштирилган – вассалом. Ўтган асрнинг 80-йиллари охири 90-йиллари аввалида жадидлар меросини оммавий қайта эълон қилина бошланганда матнлар худди шу тахлит табдил қилинган, «-ғон»у «-гон»лар ўшанда оммалашган.

Қалин ва ингичка «у» араб ёзувида битта «вов» ҳарфи билан берилгани сабабли қалин-юмшоқликни билиш учун биттагина йўл – сўздаги бошқа унлиларга қараб аниқлаш қолади. Албатта, аксар ҳолларда бу тўғри хулосага олиб келади, лекин айрим ҳолларда чалғитиб қўйиши ҳам мумкин. Масалан, 1929 йил нашрида «уринар» шаклида берилган сўзнинг иккинчи бўғинидаги ингичка «и» ҳарфи, юқориддаги мантиққа кўра, аксар ҳолларда биринчи ва учинчи бўғиндаги унлиларнинг ингичкалигига ишора қилади. Шунга кўра, бу сўз 1933 йил нашрида «ugynər» шаклида берилган. Ҳолбуки, аслида бу сўздаги «у» товуши қалин, бошқа товушлар эса шунга уйғунлашган; сўзнинг «ингичка» варианти эса бамисоли меъёрдан ортиқ пардоз қилиб рўбарў бўлган таниш аёл каби – ўқувчи уни бирдан таниб ололмайди. Шунга ўхшаш, «ən ikki-ən yc kynlik oj» жумласидаги «ўн» сўзини ҳам бирдан таниб олинмайди, уни ингичка талаффуз қилиш учун ҳам зўриқиш керак. Тўғри, «ўн уч» деганда кейинги сўз таъсирида аввалгисининг бир қадар ингичкалашуви сезилади, лекин бу ҳол ҳам «ўн» сўзининг қалинлигини бекор қилмайди. Ёки «чиҳраси» сўзини олинг:

унинг биринчи бўғиндаги қисқа «и» унлиси араб ёзувида ифодаланмаган деб ҳисобланган чоғи, сўз «cihrəsi» шаклида берилган. Сўзга хос ингичкалик сақлангани ҳолда имло хатосига йўл қўйилган. Эътибор қилинса, «суянди» сўзидаги хатолик ҳам аввалги нашрга изма-из эргашиш натижаси эканини кўриш қийин эмас. 1929 йил нашрида бу сўзнинг иккинчи бўғини «ёй + алиф + нун» шаклида берилган бўлиб, табдилчи шунга асосан сўзни қалин деб билган ва «sujandь» шаклида хато ёзган чоғи. Худди шундай ҳол «илтифотсиз» сўзининг «ьltьfotsьz» шаклида ёзилишида ҳам кузатилиб, бунда ҳам аввалги нашрда сўзнинг учинчи бўғинида «алиф» ёзилгани сабаб бўлган кўринади. Ҳолбуки, қоидаларда «омма орасиға кириб ўзлаша олмаған» кўплаб ўзлашма сўзларнинг «эшитилганча ёзилиши»[1] белгиланган, демак, бу сўз ҳам «iltifotsiz» шаклида ёзилиши лозим эди.

Холислик ҳаққи, ёзувга кўр-кўрона эргашган деган фикримизга қарши гувоҳлик берувчи ўринлар ҳам борлигини айтиш керак. Бунинг энг ишончли мисоли «ўлтурмоқ» феълининг шу саҳифанинг бир ўрнида қалин, бошқа бир ўрнида эса ингичка ёзилганидир: аввалига «Ənvər Ra'noqa өηlənib eltyrdi», сал ўтиб эса «*Ra'no syfəgə ajaq salьntьlъв* ***olturьв*** *oldь*» дейилади. Ҳолат шундайки, билмаган киши аёл ва эркакка нисбатан феъл турли шаклда ишлатилармикан деган гумонга бориб қолиши ҳам мумкин. Ҳолбуки, биринчи гапдаги феъл ёзилганидек талаффуз қилинса, унинг тамом бошқа сўз эканлигию айни шу жумлага мазмунан ёпишмаётганини ҳар қайси ўзбек ҳам яхши билади.

[1] Зуннун Ш. Тил қоидалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1929. – Б.41

Эслатиб қўйиш жоиз, кўриб ўтганимиз биргина саҳифадаги «қалинлиқ-ингичкалик» принципи билан боғлиқ хатолар бўлиб, уларнинг адади ўндан зиёд. Агар текширишга фонетика соҳаси мутахассислари киришсалар, балки бу адад яна ҳам каттарар. Энди шунга бошқа турдаги имло ва пунктуация хатоларини қўшиб боқинг: матн аҳволи чидаб бўлмайдиган даражада десак, асло муболаға эмас. Маълумки, орадан икки йил ўтар-ўтмасоқ «Меҳробдан чаён» қайта нашр бўлган... Одамга ҳар турли ўй келаверади-да: худди 1925 йилда босилган «Ўткан кунлар»нинг биринчи бўлими матнидан норизо бўлиб 1926 йилда қайта чоп қилдиргани каби, адиб «Меҳробдан чаён»нинг ҳам қайта чоп эттирилишига эришган эмасмикан?.. Тўғри, муаллиф 1925 йилдаги каби аччиқ тўла узрнома ёзиб масъулиятни ўзидан соқит қилишга уринмаган, лекин ҳақиқатда аҳвол ундан ҳам ачинарлироқ эди-да.

Юқорида 1933 йил нашрининг матни араб ёзувидан табдил қилингани ҳақида айтдикки, ҳақиқатда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Зеро, хоҳ муаллиф қўлёзмаси, хоҳ аввалги нашр матни асосида тайёрланган бўлсин – шу амал бажарилиши табиий. Афсуски, бу иш билгичлик билан, ҳар икки ёзувнинг ўзига хосликларию нозик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилмаган. Маълумки, араб ёзувида бош ҳарф тушунчаси йўқ, лотин ёзувига ўтишда бу анъана сақланган: таклиф этилаётган лотин алифбосида ҳам бош ҳарфлар йўқ эди. «Ўзбек янги алифбо маркази»нинг нашри – «Аланга» журналининг 1928-1929 йил сонларида бироната ҳам бош ҳарф қўлланмагани шундан. Бироқ ёзувда бош ҳарфлар яратадиган қулайлик ва ифода имконлари зиёлиларга энди яхши маълум, бинобарин, уларнинг алифбога кирмай қолиши мумкин эмас эди. 1929 йилда Самарқандда ўтказилган Республика тил-имло конференцияси янги алифбога бош ҳарфларни қўшди. Табиийки, анъанада бўлмагани, алифбога кейин қўшилгани сабабли бош ҳарфлар имлосининг ўзлашиши, кўникмага айланиши ҳам муайян вақтни талаб қилади. Шундан бўлса керак, «Меҳробдан чаён»нинг 1933 йил нашрида бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ жуда кўп хатолар учрайди. Жумладан, янги гапнинг кичик ҳарф билан бошланиши, атоқли отлар, хусусан, киши исмларининг кичик ҳарфлар билан ёзилиши, шунингдек, кичик ҳарф ўрнида катта ҳарф билан ёзилган ўринлар тез-тез учрайди. Масалан, қуйидаги гапдаги каби:

«– *Ва лекин, – деди Махдум ниҳоятда очилган қиёфатда, – бу тадбирларингиз беандоза маъқул бўлибдир, яъни масалан, жанобга домла Шоғовул ва Малика хонимларни восита қилишларингиз...*» (27)

Кўриб турганимиздек, бунда киши номига қўшилиб мақом, мансаб ва насабни кўрсатувчи сўзлар бош ҳарф билан ёзилмоқда. Ҳолбуки, улар атоқли от саналмайди ва кичик ҳарф билан ёзилиши лозим. Бироқ бу ўринда мазкур сўзларнинг ҳаммаси шахсни аташга хизмат қиляпти, гўё атоқли от вазифасини бажаряпти, шу ҳол чалғитади кишини. Агар қўлёзма араб ёзувида бўлган деган қарашда турсак, адибдан кўра лотинга ўгирганларнинг чалғигани ҳақиқатга яқинроқ. Чунки, аввало, араб ёзувида бош ҳарфлар йўқ, иккинчидан, рус-тузем мактаби таҳсилини кўрган муаллифнинг бош ҳарфлар имлосида юқоридагича хатога йўқ қўйиши эҳтимолдан йироқ. Лекин бу ҳукмни барча ҳолатларда ҳам қатъий айтиб бўлмайди. Хатонинг мазмун билан боғлиқлигини юқорида бежиз таъкидламадик. Сабаби, бош ҳарф билан хато ёзилган айрим ўринларга диққат қилинса, улар муайян бир мазмунни таъкидлаброқ ифодалашга хизмат қилаётгандек, яъни атайин – маълум мақсадни кўзлаб шундай ёзилгандек кўринади. Чунончи, «Мансур бу Мағлубиятка чидалмай асабийланиб ерга ўлтуриб олди...» (28) жумласида бош ҳарф билан ёзилган мағлубият сўзи ўқувчига шунчаки инжиқликдан тўраган харҳаша бўлиб кўринаётган ҳолат боланинг ўзи учун ғоят аҳамиятли эканини таъкидлаб, унинг айни дамдаги руҳиятини аниқ тасвирлашга хизмат қилади. Ёки Солиҳ махдумнинг Анварга «ушбунинг мисоли Туркийда ҳам бор... (38) дегани «туркий адабиётда, халқ ижодида» маъносини беради, яъни бош ҳарф билан ёзиш орқали шунга ишора қилинади. Яна «Форсийча ва Туркча номанавислиқ» (52), «Туркий таҳрир», «ярим Туркий жумлалар» (55), «бу бала киму, Ўрдаға мирзабошилиқ ким» (61) сингари жумлаларда ҳам бош ҳарфлар сўзга қўшимча маъно юклаётганини диққат билан мушоҳада қилган ўқувчи сезмасдан қолмайди. Масалан, «форсийча ва туркча номанавислик» бирикмаси аслида «форс тилида ва туркий тилда хат ёзиш» деган маънони беради, холос. Бироқ унинг роман контекстида ифодалаётган маъноси бундан фарқ қилади: «Анвар бир йиллик тажрибада ўрдадаги дафтардорлиқ, форсийча ва туркча номанавислик ҳунарларини тамоман деярлик ўрганиб тажрибалик мирзолар қаторига кирди». Зотан, бу ўринда Анвар бир йиллик тажрибада эгаллаган ҳунар ҳақида гап бораётир, шунчаки форсий ва туркийда хат ёзиш ҳақида эмас. Яъни умумийдан хусусий ажратиб аталаётибдики, айни жиҳати билан у атоқли отга монанд – шуни ифодалаш учун бош ҳарф билан ёзилмоқда. Демак, бу ўринда бош ҳарф ҳам ўзига хос ифода воситасига айланмоқда дейишга асос бор. «Туркий

таҳрир», «ярим Туркий жумлалар» бирикмаларидаги бош ҳарфлар ҳам бир томони муҳимликни таъкидлаб, ажратиб аташ – муҳимликка ўқувчи диққатини жалб этишга хизмат қилади.

Маълум бўляптики, кўриб ўтилган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда бош ҳарфлар имлоси эндигина жорий қилинган ёзувдан фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин бўлган объектив омиллар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, юқорида атайинлик ҳақида айтдикки, бу – матн муаллифининг ҳаққи. Энди табиий савол туғилади: бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ хатолар чалғиш натижасими ё атайинлик маҳсулими? Соддароқ айтмоқчи бўлсак, савол мана бу шаклга киради: «Чалғиган ким – ёзувчими ё мусаххиҳларми?» Фикримизча, бу саволлар очиқлигича қолишга маҳкум: қандай хулоса чиқармайлик, роман қўлёзмаси йўқлиги боис, фаразлигича қолаверади. Шунинг учун биз уларнинг ҳаммасини «хато» деб атаймиз, муаллиф қўллаган «поэтик восита» дейишдан тийиламиз. Ҳатто, 1935 йил нашрида иккиёқлама баҳоланиши мумкин бўлган шу каби хатоларнинг тўла бартараф этилгани ҳам масалага аниқлик киритиб беролмайди. Зеро, бундаги тузатишлар муаллиф томонидан ҳам, мусаҳҳиҳлар томонидан ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин.

Роман матнидаги хатоларга қаралса, нашрни тайёрлаганлар эски ва янги ёзувга хос хусусиятларни бирдек билишмаган, эҳтимол, улар лотин ёзувида фаолият олиб боришга тайёрланган янги мутахассислардан таркиблангандир деган фикр туғилади. Масалан, эски ўзбек ёзувида сўз охирида ё унлидан олдин келганида «ёй» (ى) ҳарфи «й» товушини, сўз ўртасида эса «и» товушини англатади, қисқа «и» бўлса ёзувда аксар ҳолларда ифодаланмайди. Шунга кўра, масалан, «расмий», «хусусий», доимий», «олий каби сўзлар охиридаги «ёй»дан олдин қисқа «и» ўқилади натижада сўз «ий» билан тугалланади. Бироқ табдилда бу қоида кўпинча фаромуш қилинади-да, масалан, «расмий» (رەسمى) сўзи бир жойда «rəsmii» (55), бошқа икки ўринда эса «rəsmi» (87) шаклида; «хусусий» (خوسوسى) сўзи «xususь» (88, 89) шаклида хато берилади. Ҳолбуки, янги ёзувда «й» товушини ифодаловчи (j) ҳарфи билан бир қаторла қалин ва ингичка «и» унлилари учун алоҳида «ь» ва «i» ҳарфлари жорий қилинганки, бу сўзлар «rəsmij» ва «xususьj» шаклида бўлиши лозим эди. Эски ёзув хусусиятларини билмаслик сабаб кўп ҳолларда матн, таъбир жоиз бўлса, «калька» усулида лотинга ўгирилган, яъни арабий шакл лотин шаклига ўтказилган, холос. Худди шу асосда юзага келган хатолар матнда жуда кўп эканлигини таъкидлаш керак. Албатта, адиб «Ўткан кунлар» нашри ҳақида айтган «мусаҳҳиҳларнинг мусоҳалалари» – эътиборсизлиги кейинги роман матнидаги кўплаб хатолар сабаби деб ҳам кўрсатилиши мумкин. Мисол сифатида қулай бўлишини ўйлаб имлоси аслича қолдирилган мана бу жумлани кўриб ўтамиз: «Bu kyn ertələb damla biznikigə kelgən edi - dedi Sultonəli çiddiy tərda - domlanьŋ səz daramadьqь qaraqlanda, sizni özigə kyjəv qьlьiş fikri borqla oxşajdь». Аввало, «daramadьqь» сўз шаклининг ёзилишидаги хатони ҳар ким ҳам яққол кўради, чунки хатолик грамматик боғланишни бузган: жўналиш келишиги ўрнида бошқа қўшимча турибди. Иккинчидан, «даромад» сўзи форсий ўзлашма, 1933 йил нашридаги каби қалин эмас, балки истисноға мувофиқ, «dəraməd» – қалин ва ингичка товушлар уйғунлигида талаффуз қилингани тўғрироқ. Худди шу сўз 1929 йил нашрида (دەرامەد) шаклида ёзилгани эътиборга олинса, хатоларнинг биринчиси айнан эътиборсизлик туфайли юзага кеганига амин бўлиш мумкин. Чунки «даромадига қараганда» бирикмасидаги бошқарув алоқаси ва шунга мувофиқ қўлланган жўналиш келишиги қўшимчаси аниқ кўриниб тургани ҳолда сўзнинг «daramadьqь» шаклида берилганини бошқача изоҳлаб бўлмайди. Иккинчи хато эса автор ремаркасида: «dedi Sultonəli çiddiy **tərda**». Ушбу шаклида ремаркада мазмуний ғализлик мавжуд: «тўрда» сўзи мазмун жиҳатидан бу контекстга ёпишмайди. Хатонинг сабабини билиш учун 1929 йил нашрига мурожаат этамиз: унда бу сўз (دروت) шаклида берилганки, у «тўрда» деб ҳам, «турда» деб ҳам ўқилиши мумкин. Агар сўз «турда» деб ўқилганида бироз ғализроқ бўлса ҳам ҳар нечук бир мазмун чиқарса бўлар, яъни «жиддий турда»ни «ҳазиломуз, масҳаромуз, юраги ачиб...» каби ҳолат (тур)ларнинг бири ўлароқ тушунилса ҳам бўлгудек. Дарвоқе, 1935 йил нашрида ремарка айни шу шаклда, яъни «жиддий турда» деб берилган. Лекин Абдулла Қодирийдан бу нав зўраки ифода кутмаганимиз учун яна ўйлаб қарашга, ёзилиши шунга яқин шаклдаги контекстга мувофиқ маъно берадиган сўз излашга тўғри келади. Энг аввал «тавр» сўзи ёдга келади. Агар биринчи бўғинда қисқа «а» унлиси ташлаб кетилган десак, دروت шакли «таврда» деб ўқишга изн беради. Дарҳол луғат қараб, арабча «тавр» сўзининг (روط) шаклида ёзилиши ва «сурат, ҳол, тарз, йўсин» каби маънолари бизнинг контекстга ғоят мос эканлигига амин бўламиз. Шунда муаллиф айнан «тавр» сўзини ишлатгани, ёзув ислоҳоти натижасида алифбодан «ط» ҳарфи чиқиб кетгач, бу сўз ҳам «ت» билан ёзиладиган бўлганию натижада «тур»га шаклдош бўлиб қолганини англаймиз. Эҳтимол, ахир объектив сабаблари бор экан-ку, эътиборсизлик деб ёзғиришга ҳожат борми, дерсиз? Ёки Абдулла Қодирий ҳам

одам, ахир, тузган жумлаларида ғализлик учраши мумкин эмасми, дея бир баҳя баландроқдан ҳам келарсиз? Ҳақсиз ва ҳақлисиз, албатта! Камина фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: Абдулла Қодирийдек улуғларимиз тузган гаплар ғализ кўринса, аввал «мен тушунмадим, чоғи?!» деган фикрда тўхтаб, тушунишга азтаҳидил ҳаракат қилмоқ, ҳеч бўлмасагина, ноилож, «ғализликка» йўйиб, шунда-да бунинг тугал ҳукм эмаслигини дилга маҳкам туккан ҳолда – бир кун келиб тушуниб қоларман деган ниятда қолган тўғрироқ!

Ҳарф ё бўғин, боғловчи ёки бирон бир сўзнинг тушиб қолиши аксар ҳолларда ғализ, тушунарсиз жумлаларни йўқдан бор этади. Масалан, Сафар бўзчининг мулла Абдураҳмонга «Ахир, биравни ука, биравни ака деб сиз ҳам тузукроқ ишка қатишинг-да, тақсир» деган гапидаги «қатишмоқ / қотишмоқ» сўзи «қўшилмоқ, аралашмоқ» маъносини беради. Яъни Сафар бўзчининг насиҳати бинойидек: «тузукрок ишга қўшилиш»га ундаяпти. Эътиборсизлик сабаб бу сўз «qatьңьz» шаклини олади ва жумла мазмунан пароканда бўлади. Тўғри, фикрли ўқувчи «Аслида «тузукроқ ишда қотингиз» демоқчи бўлса керак-ку, шу «ишка»да келишик хато кетган чиқар?» қабилида тусмоллаб маъно чиқарар ҳам. Лекин бу ўринда истеъмолдан чиқаёзган «қотишмоқ» сўзи ишлатилганини тахмин қила олувчилар бармоқ билан санарли

1933 йил нашри матнидаги кўплаб хатоларда техник ходимлар – ҳарф терувчилар ҳиссаси ҳам салмоқли бўлса, ажаб эмас. Жумладан, сўз тушириб қолдирилган ҳолатарда. Анварнинг туғилишига оид ғоят аянчли тафсилотлар сирасида онаси «*болаларини қўни-қўшнига суйинчи учун чиқармади. Чунки қўшниларнинг «Қайси ҳолингга туғдинг?» Ёки «**Ўзи** ўлгур ит мизожми?» деб **таъна** қилишларидан чўчиди*» дейилади. Таъсирчанроқ киши хотирасида бир умр муҳрланиб қоладиган гаплардан бири бу. Лекин шунга ҳам механик тарзда қаралганми, «таъна», «ўзи» сўзлари тушиб қолган. Араб ёзувида бош ҳарфлар бўлмагани ҳолда, бунда биринчи сўроқ гап охирида сўроқ белгиси қўйилгани учун бўлса керак, «ёки» бош ҳарф билан ёзилган. Натижада битта ўрнида иккита «тўмтоқ» гап пайдо бўлган каби. Шунга ўхшаш, етимликда ўсган Анвар ҳақида «Раъно ёнидагина ўйин-кулки боласига алишинар» эди дейилса, «ўйин» сўзи тушириб қолдирилади-да, «кулки боласига алишинадиган» (42) бўлиб қолади. Ахир «ўйин-кулки боласи» дейилгани умуман болаликка хос сифат бўлиши керак эмасми, адиб шундан маҳрум қаҳрамони фақат Раъно ёнидагина чинакам бола бўлиб яшашини айтмоқчи эмасмиди?! Шундай, лекин чинакам ҳис қилинмаган сўз қадр топмаса на чора – ишига фақат техник юмуш деб қаровчиларни бадиий асарлар нашрига яқинлаштирмаган маъқулми?! Ҳатто шунчаликки, шеърий мисрадаги сўзнинг тушиб қолгани ҳам сезилмаган: валинеъмати барпо этган «*боғни махтаб Худоёрнинг ўз шоири*» ёзган манзуманинг

*Ясарда **тарҳини** тарроҳлар андоғ сакиз гулшан,*

*Бу гулшан ҳар биридин топдилар юз минг чаман оро, -*

байтидаги «тарроҳ» сўзи тушиб қолади-да, натижада тарроҳлар боғ тарҳини чизган (ясаган) эмас, «сакиз гулшан»ни ясаган бўлиб чиқади – мазмун тамом ўзгариб кетади. Юқорида сўзни ҳис қилиш ҳақида бежиз айтмадим, кўзи билан қараса – мисранинг иккинчисидан анча қисқариб қолгани, ўқиб кўрса – вазнда сакталик пайдо бўлгани сўз тушиб қолганидан огоҳ этмайдими? Огоҳ этади, фақат имони фаҳмлайдиган кишиларни огоҳ этади-да! Ўқувчи-чи, туширилган сўзни хаёлида тиклай оладими? Хўп, бу мисолдагини билиб олиш қийинроқ кечар, бошқа бир ҳолатни олайлик. Анварни юпатиш илинжида Султонали айтган гаплар ўрамида сўз тушиб қолган: «*Ҳолбуки, бутун мамлакат қизлари мирзо Анвар учун соч тарайди. Агар сиз хоҳласангиз қозикалон ёки домла шоғовул ва шулар сингари калонполарга бўлолмайсизми?*» Сираси, иккинчи гап кесими таркибида «куяв» сўзи тушиб қолганини англаб ололмайдиган роман ўқувчиси топилмаса керак. Лекин гап сўзни топиб олиш мумкинлигидагина эмас-да. Шугина бўлса, масалан, қуйидаги ҳолатда туширилган сўзни топиб олиш бундан ҳам осонроқ кечади.

Солиҳ махдум билан боғлиқ эпизодлар, унга оид турфа тафсилотлар «Муштум»да обдон қайралган қалам билан битилган – тагдор гаплар, нозик киноя ва қочиримларга тўла. Жумладан, унинг «янги ҳунар»и ҳақидаги эпизод ва тафсилотлар ҳам. Ариза ёздиргани келган деҳқондан ўз тегишини олиш учун мирзога «Озғина бергансиз, шунинг учун олмаган» демоқчи эди, шунинг устига йўлакдан Анвар кириб келиб, «Озғина бер...»дан нарёғи бўғзида қолади: «ўлпон»дан қутулган «*Деҳқон «озғина бер» деб тиланғучига нима **беришини** билмаган ҳолда йўлакдан чиқиб кетади*». Шу жумладаги «*беришини*» сўзи тушиб қолиб, комик эффект сусаяди, сабаби ўқувчининг комикликни ҳис қилишга кетадиган руҳий қуввати «*тиланғучиға нима билмаган ҳолда*»(?) жумласидан мазмун чиқаришга сарф бўлади, аниқроғи, исроф қилинади. Албатта, контекстдан келиб чиқиб бу ерда тушиб қолган сўзни аниқлаб олиш у қадар қийин эмас: «озғина бер...» деганининг ўзи «бермоқ» феълини тақозо этади. Шу-

нақа экан, бундан фожиа ясашга не ҳожат, ахир, бутун бошли бир роман матнида тўрт-бешта сўз тушиб қолса, осмон узилиб ерга тушмас, дегувчилар ҳам топилар. Ҳа, шундай бўлганда ҳам бу нав хатоларга енгил қараб бўлмайди. Негаки, ҳар битта шунақа хато – тишингизда ногоҳ қарс этган паловнинг тоши иштаҳани бўғиб қўйгани сингари – ўқувчини эстетик завқ оғушидан бир онга бўлсин тортиб чиқаради, бадиий идроклаш жараёнига хос бутунликка раҳна солади. Тамсилда давом этамиз: бу ҳол такрорланаверса – бир-икки қайта тош чайнаган хўранда қўл артгани мисоли-да...

1933 йил нашрида сўзни танимаслик (тушунмаслик) ёки эски ёзувни тўғри ўқиёлмаслик оқибатида юзага келган хатолар ҳам учрайдики, бу нашрга тайёрловчиларнинг кўпроқ янги ёзув бўйича мутахассис бўлганига далолат қилади. Масалан, Анварнинг мирзабоши бўлиши ҳақида гап тарқалиши билан Шаҳидбекнинг «*махдумга яқинлашиш андишасида аввало унга иқтидо қилиб намоз ўқугани»* айтилади. Маълумки, *иқтидо* сўзи «эргашиш, тақлид қилиш» маъноларини ифодалаб, диний истилоҳда имомга эргашиб намоз ўқишни англатади. Беш вақт намозни жамоат билан ўқиш афзал деган ғояда тарбия топган қавм бу сўзни танимаслиги, албатта, мумкин эмас; бироқ атеистик тарбия кучайган йилларда шаклланган ёш бўғин вакилининг танимаслиги асло ажабланарли эмас. Бу юқорида айтганимиз нашрга тайёрловчиларнинг кўпроқ янги ёзув бўйича мутахассис эканига яна бир далолат. Сираси, улар нафақат диний тушунчалар, балки эски адабий тилдан ҳам анча йироқ кўринадилар. Ҳолбуки, романда персонаж нутқини индивидуаллаштириш талаби билан Солиҳ махдум, Абдураҳмон домла, бошқа муншилар нутқига эски адабий тил туси берилган. Масалан, Солиҳ махдумнинг «*Воқиъан Анвар сармуншийликка мансуб қилинса, не ғаройиблиғи бор? Алҳамдулиллоҳ, фазли кофий, ақли солим, истеъдод бўлса боз инчинин...*» деганга ўхшаш гапларида арабий ва форсий сўз ҳам сўзшакллар кенг қўлланган. Аввало, ушбу гапдаги «*сармуншийликка мансуб қилинса»* бирикмасига диққатни тортамиз. Изоҳли луғатда «мансуб» сўзининг «қарашли, тегишли, тааллуқли, оид, кирадиган» каби маънолари қайд этилганки, ҳеч бири бу ерда кўзда тутилган «тайинланса» маъносини бермайди. Сабаби, махдум луғатдаги ўзаги بسن бўлган «мансуб» сўзини эмас, ўзаги بصن бўлган «мансуб» сўзини ишлатган. Эски ёзувнинг ислоҳ қилиниши натижасида «сод» (ص) ҳарфи алифбодан чиқарилиб, бу ҳарф ўрнида ҳам «син» (س ) ишлатила бошлаган, натижада Солих махдум қўллаган (ва изоҳли луғатга кирмаган) сўз билан изоҳли луғатдаги «мансуб» сўзи тўла шаклдош бўлиб қолган. Ҳолбуки, махдум қўллаган сўз «тайинланган, қўйилган» маъноларини ҳам беради, демак, у «*сармуншийликка тайинланса»* деган бўлиб чиқади. Асли махдумнинг гапи Шаҳидбекнинг мана бу гапига жавобан айтилган эди: «*Халқ оғзида дув-дув гап, - деди манти чайнаб, - гўё сиз марҳум сармунший ўрнига насб қилинар эмишсиз, деб...*» Агар 1929 йил нашрида бизни қизиқтирган сўз بسىهڤ шаклида ёзилган бўлса, 1933 йил нашрида «*nəsiв*» шаклида берилган. Ислоҳ қилинган ёзувда «и» ифодаланадиган бўлгани ҳисобга олинса, 1929 йил нашридаги «насб» сўзида «и» товуши йўқ; аксинча, 1933 йил нашрида «*nəsiв*» сўзидаги «и» ифодаланган, демак, аниқ талаффуз қилинади. Натижада «*насб қилинар эмишсиз*» ўрнига «*насиб қилинар эмишсиз*» жумласи пайдо бўладики, у мазмунан ниҳоятда ғализдир. Зеро, ўзбек тилида «*насиб қилмоқ*» феълининг субъекти ҳамиша яратганнинг ўзи бўлади, бу – ислом эътиқоди заминида минг йиллар давомида шаклланган тил кўникмаси. Ғализлик шундаки, сармунший ўрнига тайинловчи хоннинг ўзи экан, унга «насиб қилмоқ» феъли мазмунан боғланмайди, «насб қилмоқ» феъли боғланиши мумкин, холос.

1933 йил нашри матнида бундан бошқа ҳам хилма-хил хатолар тиқилиб ётибди. Масалан, «*қаламравидаги барча шаҳар*» ўрнига «*қалам равишдаги барча шаҳар*» (103) деган мантиқсизлик; *«меним хоҳишим ва рағбатим хорижида бўлмоқда»*нинг *«меним хоҳишим ва рағбатим хорижида бўлмаған»* (36) тарзидаги тамом тескари мазмундаги тақдими; *«ош ўхшалган эди»*ни *«ош ўхшалмаған эди»* (138) дея ёлғонлаш; «умр зоеъ қилиш абаслиги»ни «умр зоеъ қилиш асаблиги» (66) дея замонавийлаштириш каби ҳолатларга қайта-қайта дуч келинади. Сўзлар ва қўшимчаларнинг ёзилиши, тиниш белгиларининг ишлатилишидаги хатолар саноғидан бир-икки саҳифада-ёқ адашиб кетасиз; диалог репликаларини шакллантириш, абзацларга ажратишдаги камчиликлар деярли ҳар бир саҳифада учрайди... Беихтиёр «Ўткан кунлар»нинг 1925 йилда чоп қилинган биринчи бўлимининг аҳволи, узрномада акс этган муаллифнинг унга муносабати эсга келади. Аминманки, 1933 нашрининг аҳволи ундан-да ёмон, адибнинг бунга муносабати ҳам шунга яраша бўлгани эҳтимолга яқин: тутаблар кетган бўлса керак... лекин ҳеч бир из қолмаган-ку, на нашриётга эътироз билдирган ва на аввалгидек ўқувчиларига узрхоҳлик қилган?! Нега? Наҳотки индамай, бўлар иш бўлди энди деб қолаверган бўлса?.. Асосларини пухталаб олсак, кейинроқ бу масалага яна қайтамиз.

**Resume**.The article is devoted to the study of the second edition of Abdullah Kadiri's novel «Scorpion from the Altar», published in 1933. By comparing it with the first edition and analyzing the changes made to the text, it is concluded that most of these changes served to improve the text, enhance the style, provide various clarifications through detailing, etc. At the same time, the text also contains changes that cannot be considered the author's: some of them are editorial changes, which are sometimes appropriate, while others arose simply as a result of technical omissions.

**Резюме.** Статья посвящена изучению второй редакции романа Абдуллы Кадыри «Скорпион из алтаря», опубликованной в 1933 году. Путем сопоставления с первой редакцией, анализа внесенных в текст изменений, делается вывод о том, что в большинстве своем эти изменения послужили совершенствованию текста, улучшению стиля, различного рода уточнениям путем детализации и пр. Вместе с тем, в тексте встречаются и такие изменения, которые нельзя считать авторскими: одни из них являются редакторскими правками, которые иногда не уместны, а другие возникли просто как результат технических упущений.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2025; 7-8
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

# ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ ВА БАДИИЙ ДРАМАТИЗМ

## (Эркин Аъзамнинг «Таъзия» ва «Ступка» ҳикоялари мисолида)

**Шофиев Обиджон Бахтиёрович,**
*Термиз давлат университети доценти,*
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

Эркин Аъзамнинг 1990 йиллар бошларида яратилган «Таъзия» ҳикояси унинг ижодидаги киноявий услуб ва чуқур психологизм уйғунлашган ёрқин намуна ҳисобланади. Бу ҳикояда шўро жамиятидаги ўзгаришлар, инсоннинг ички дунёсидаги зиддиятлар, маънавий парчаланиш ҳолатлари бадиий жиҳатдан ниҳоятда таъсирчан ва ранг-баранг шаклларда ифодаланади.

Ҳикоядаги Салим Қарор образи орқали Эркин Аъзам шўро тузуми тарбиясида етишган, ҳаётини коммунистик ғояларга бағишлаган, аммо онгининг чуқур қатламларида эътиқодидан, виждонидан узилмаган инсон қиёфасини қаламга олади. Салим Қарор ташқи муҳит таъсирида шаклланган масканда яшайди, у расмий тузумнинг сўзсиз тарафдори, ташқаридан қараганда идеологик жиҳатдан «мукаммал» шахс сингари кўринади. Ёзувчи қаҳрамоннинг ташқи қиёфасида унинг ички ҳолатини рамзий тарзда ифодалайди: сталинча шапка, серчўнтак камзул, қатор авторучкалар – буларнинг барчаси унинг партияга садоқатини кўрсатувчи белгилардир. Аммо бу ниқоб ортидаги ички дунё бутунлай бошқача. У эътиқод ва виждонга ташналикда яшайди.

Муаллиф ички ва ташқи қиёфа ўртасидаги зиддиятни чуқур психологик таҳлил асосида намоён этади. Қаҳрамоннинг кечинмалари, иккиюзламачилиги – бир томондан, жамият талабларига мослашиш; иккинчи томондан, қалб тубида яширинган эътиқод билан кураш – шўро тузумида яшаган кўплаб инсонлар ҳаётига хос ҳолат сифатида тасвирланади. Ёзувчи бу зиддиятни очишда киноя ва масхараомуз ифода воситаларидан усталик билан фойдаланади. Қаҳрамонни рад этиш эмас, балки унинг шахсий фожиаси орқали бутун тузумнинг маънавий муҳитини фош этади.

Ҳикоянинг кульминацион нуқтаси сифатида Салим Қарорнинг «асл қиёфаси» фош бўлади. Унинг эътиқод билан кураши ва виждон билан ёлғон ўртасидаги драматик тўқнашуви қуйидаги